

**МАКТАБГАЧА ТАЛЬИМ ТАШКИЛОТИДАГИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР
НУТКИДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ КИЛИШНИНГ
НОАНЬАНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

*Yoqubova Sadoqat Otaxonovna
1-son DMTT logopedi.
Xorazm viloyati Shovot tumani
Rahimova Dilfuza Nurmetovna
8 – son DMTT logopedi*

Аннотация: Маколада мактабгача таълим ташкилотидаги тарбияланувчилар нуткидаги камчиликларни бартараф килишнинг ноанъанавий усуллари хакида кенг малумотлар берилган.

Калит сўзлар: логопедик, таъминот, ноанъанавий, дефектологи, педагогика.

КИРИШ: Мамлакатимизда логопедик ёрдамнинг хилма-хил тизими ташкил этилган. Ҳозирги вақтда у таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот йўналишларида, хатто хусусий коррекцион-педагогик ёрдам марказлари ҳамда интернет орқали масофавий тарзда амалга оширилмоқда. Коррекционлогопедик ёрдамни ҳар бир йўналиши ўзига хос хусусиятларга эга. Мана шундай йўналишлардан бири умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида дефектолог фаолияти билан боғлиқ бўлиб, коррекциологопедик ёрдамни кўрсатишнинг энг янги шаклларидан бўлган мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи дефектологнинг иш шароити бу ўринда бир қанча белгилар билан ўзгаларидан ажралиб туради.

АСОСИЙ КИСМ:

Умумтаълим мактабгача таълим муассасасида дефектолог ишининг жадаллигини инобатга олган тарзда анъанавий, мумтоз методикаларни танлаш ва комбинациялаш орқали коррекцион-логопедик ёрдамга муҳтож тарбияланувчиларни саралашга қаратилган тизимни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, амалиётда фаолият юритувчи дефектологлар қўллаш қулай, натижаларни тахлил этиш осон ва тушунарли бўлган ташхислаш воситасига муҳтожлар. Мазкур шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда дефектологнинг асосий вазиаси логопедик текширувнинг ихчам ва шу билан бирга юқори информатив усулларини қўллашни ўрганишdir. Бундай методлар сарасига коррекционлогопедик ёрдамга муҳтожларни саралаш имконини берувчи экспрессташхислаш методикаларни киритиш мумкин. Экспресс ташхислашни қўллаш тўлиқ индивидуал ва комплекс текширувни

ўтказиши заруратини истисно этмайди, бироқ болаларни тез ва ҳар томонлама тек шириш, логопедик ёрдамга муҳтоҗларни тез вақтда ажартиб олиш имконини беради.

Болалар ривожланишидаги камчиликларни коррекциялаш самарадорлиги логопедик ишни режалаштириш сифатига, у эса ўз навбатида ташхислаш жараёни билан чам барчас боғлиқдир. Айнан, ташхислаш натижалари коррекцион-таълимий жараён йўналишларини белгилайди. Мактабгача таълим муассасаси дефектологининг касбий бурчларидан бири фаолият юритаётган муассасадаги барча тайёрлов ва катта гуруҳлардаги тарбияланувчиларни нутқий ривожланишишини мунтазам равишда текшириб бориш ва кузатишдан иборат. Муассасада тарбияланувчиларнинг сони кўплиги мазкур вазифани бажариш учун вақт танқислигини келтириб чиқаради. Текшири лувчи болаларни турли ёшдалиги, кузати лувчи камчиликларнинг хилма-хиллиги муам мони янада чигаллаштиради ва шу билан бирга умумий текширув (сараплаш) учун ажратилган вақт барча болаларнинг нутқий ривожланишини чуқур ва синчиклаб текшириш имконини бермайди. Бу эса ўз навбатида қуйидаги қамчиликларга олиб келади: дефектолог текширув учун ажратилган вақтда қўйилган вазифани тўлиқ бажара олмайди ёки фақат нутқнинг фонетик томонини текшириш билан чегараланади. Бу эса ўз навбатида кор рекцион педагогиканинг тизимлилик тамойилига зид келади. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаси дефектологи кичик ва ўрта гуруҳдаги тарбияланувчиларнинг нутқини ташхисламайди ва камчиликларни эрта ташхислаш тамойилини амалда қўлламайди.

Миллий логопедиямизда ишлаб чиқилган аксарият анъанавий текширув методикалари (Л.Р.Мўминова, М.Ю.Аюпова, Д.А.Нуркельдиева, Н.З.Абидова, Ш.М.Арипова ва бошқалар) маълумотларни сифат жиҳатдан тахлил этишга йўналтирилган бўлиб, нуқсонни чуқур ўрганишга қаратилган ва одатда, катта ҳажмли, амалий жиҳатдан айнан тезкор сара лаш даврида қўллаш учун бироз нокулайлик қиласди. Мазкур методикалар, болаларни индивидуал текшириш учун яратилган бўлиб, сараланган болалардаги нуқсоннинг хусусият ларини текшириш, унинг тузилиши ва оғирлик даражасини ҳар томонлама чуқур ўрганишга қаратилгандир.

Технология мазмунини ишлаб чиқишидаги мактабгача ёшдаги болаларни нутқини текширишга қаратилган комплекс ёндашувли ананавий методикалар билан бир қаторда дифференциал ташхислашда юқори кўрсаткичларгага замонавий “скринингусуллар” ҳам асос сифа тида қўлланди. Бу эса дефектолога қисқа вақтчида болаларнинг нутқини ривожланганлик даражасини комплекс текшириш имконини яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Филичева Т.Б., Чиркина Г.В. Воспитание и обучение детей дошкольного возраста с фонетико-фонематическим недоразвитием: программа и метод. Рекомендации для дошкольного обр. Учения компенсирующего вида (старшая группа). М.: “Просвещение”, 2002, 58 бет.
2. Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. Т. Ўқитувчи, 1992, 77-79 бетлар.
3. Денисова Н.Е. Экспресс-диагностика детей первого года обучения, признанная проблемы речевого развития // Дефектология, 1998. - № 2, 49-51 бетлар.
4. Коноваленко В.В., Коноваленко С.В. Экспресс-обследование звукопроизношения у детей дошкольного и младшего школьного возраста: пособие для логопедов. М.: «Гномпресс», 2000, 2-14 бетлар.
5. Фотекова Т.А. Тестовая методика диагностики устной речи младших школьников. М.: АРКТИ, 2000.-56 6.
6. Волкова Г.Л. Психолого-логопедическое исследование детей с нарушениями речи. СПб: Книгоиздательство «Сайма», 1993, 12-25 бетлар.